

Американинг Глобал жалб қилиш институти (Institute for Global Engagement, IGE) веб-сайтида “IGE Ўзбекистонда эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадида тарихий “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумини ўтказди” сарлавҳали мақола чоп этилди



FREEDOM OF FAITH MATTERS ABOUT IGE PROGRAMS PUBLICATIONS IGE UPDATES SUPPORT IGE Q

IGE Updates

IGE Co-Convenes Historic “Dialogue of Declarations” in Uzbekistan to Protect and Advance Freedom of Faith

Posted in [Uzbekistan](#) on June 14, 2022



From May 16-20, 2022, the Institute for Global Engagement (IGE) and the Institute of Strategic and Regional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan (ISRS) conducted the “Dialogue of Declarations,” a groundbreaking multi-faith initiative to “protect and promote freedom of conscience or belief of everyone, everywhere.” The program’s activities took place in Tashkent, Samarkand, and Bukhara.

IGE convened an international delegation consisting of prominent Muslim clerics and scholars, Christian pastors, and religious freedom experts and practitioners from the U.S., Indonesia, Nigeria, Ghana, Pakistan, Saudi Arabia, United Kingdom, and Hungary. The delegation engaged in candid and fruitful discussions with Uzbek religious leaders, government officials, scholars, and law enforcement personnel focusing on harnessing the country’s rich civilizational heritage as a center of educational, scientific, and theological developments that have impacted humanity.

Американинг Глобал жалб қилиш институти (Institute for Global Engagement, IGE) веб-сайтида “IGE Ўзбекистонда эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадида тарихий “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумини ўтказди” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Маълумот учун: Institute for Global Engagement 2000-йилда АҚШнинг диний эркинлик бўйича биринчи махсус элчиси Роберт Сипл ва унинг рафиқаси Енн Сипл (ташкilotнинг фахрий президенти Крис Сиплнинг ота-онаси) томонидан ташкил этилган. Ташкilotнинг мақсади Давлат департаменти ва бошқа диний ташкilotлар кўмагида турли дастурларни амалга ошириш орқали дунёда диний эркинликни тарғиб қилиш, шунингдек, ушбу соҳага оид муаммоларни ҳал қилиш учун хорижий ҳукуматлар билан мулоқотни давом эттиришдан иборат. IGE ўзини дунёдаги барча динларнинг тинч-тотув яшаши учун шароит яратишга интиладиган христиан ташкilotи сифатида кўрсатади.

2018-йил сентябр ойида имзоланган уч томонлама меморандум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик в минтақаларо тадқиқотлар институти ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ҳамкор ташкilotи сифатида диний эркинлик бўйича норасмий ишчи гуруҳи ташкил этилган. 2019-йилнинг ноябр ойида у 40 дан ортиқ эксперт ва дин арбобларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил қилди ва унинг доирасида АҚШнинг турли штатларидан келган имомлар, раввинлар ва пасторлар иштирокида семинар ўтказилди.

Мақолада, 16-20-май кунлари Глобал ҳамкорлик институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти билан ҳамкорлигида “Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми Тошкент, Самарқанд ва Бухорода шаҳарларида бўлиб ўтгани айтилган.

Материал муаллифлари, ушбу халқаро тадбир диний эркинлик ва бағрикенглик соҳаларидаги сўнги йирик декларацияларни ўзида бирлаштирган тарихий “Бухоро декларацияси” қабул

қилинганига алоҳида тўхталишган. Декларация, кўп конфессияли мулоқотни ривожлантириш бўйича амалий фаолиятни кенгайтириш, фуқароларни диний бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун ўзаро ҳамкорлик кўникмалари шаккиллантиришга чақиради, деб айтилади Глобал жалб қилиш институти мақоласида.

Шунингдек мақолада IGE ушбу халқаро форумини доирасида Тошкент шаҳрида “Дин ва қонун устуворлиги”, “Маданиятлараро диний саводхонлик” ва “Конфессиялараро муносабатларни ўрнатиш” бўйича учта ўқув дастурлари ташкил этилгани ҳақида маълумот берилган.

“Декларациялар мулоқоти” Ўзбекистоннинг маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилгани IGE делегациясининг кўплаб аъзолари, жумладан, IGE президенти Крис Сайпл, Марказий Осиё бўйича катта илмий ходими Уэйд Кьюсак ва бошқарув кенгаши аъзоси Надин Маэнза Ўзбекистон телеканалларига интервьюлар бергаликлари айtilган.

Хусусан, материалда глобал операциялар бўйича вице-президенти Джеймс Ченнинг сўзларидан иқтибос келтириб “сўнгги йилларда дунё мамлакатларида диний эркинлик кескин ёмонлашган бўлса-да, Ўзбекистон бу соҳа сезиларли даражада яхшиланди ва “Бухоро декларацияси” бу йуналишдаги ишларнинг давомийлиги белгисидир”, деб айtilган.